

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МУСИКА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ХУСУСИДА

М. Махманова

Карши давлат университети

Узбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январда «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009-2014 йилларга мулжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Фармойиши ижроси буйича Вилоят хокимилигида фармойиш қабул қилинди. Фармойишда вилоятда болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича Давлат дастурига киритиш учун тақлифлар тайёрлаш ва Республика комиссиясига тақдим этиш мақсадида вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди.

Вилоят комиссияси ҳамда Қарши шаҳар ва туманлар хокимликларига Республика комиссиясидан бириктирилган вакиллар билан ҳамкорликда вилоятда мавжуд барча мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тулик инвентаризациядан утқизиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабига қай даражада жавоб бериши аниқлаш вазифаси юқлатилди. Шунингдек, ушбу мактабларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш буйича ҳар томонлама асосланган ҳулоса ва тақлифлар тайёрлаш, ёш авлоднинг мусикий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туманда аҳоли уқувчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда энг қами биттадан мусика ва санъат мактаблари фаолият курсатишини таъминлаш белгиланди. Бундан ташқари уларга янгидан қуриладиган, тулик реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусика ва санъат мактаблари моддий-техник базасини мустахкамлаш ва ривожлантиришда ҳудудлардаги мавжуд буш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жихозлаш ишларини амалга ошириш юзасидан экспертиза ҳулосаларини тайёрлаш ишлари ҳам топширилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, жойлардаги болалар мусика ва санъат мактаблари, иккита Республика ихтисослаштирилган мусика



академик лицейи Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги тасарруфига утказилди.

Юртбошимизнинг мазкур қарори билан тасдиқланган давлат дастури доираси амалга оширилаётган ишлар болалар мусика ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, бошлангич муסיкий таълимни ривожлантириш, йуналишлар буйича мутахассис ҳамда педагогларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш имкониятларини янада кенгайтирди.

2009-2014 йилларда мавжуд болалар мусика ва санъат мактабларининг 278та қурилиш-таъмирлаш ҳамда жихозлаш ишлари амалга оширилади. Жорий йилда уларнинг олти таси - Қорақалпоғистон Республикасининг Туртқул, Андижон вилоятининг Хужабод, Қашқадарё вилоятининг Қитоб, Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Сирдарё вилоятининг Боевот ва Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги муассасалар капитал реконструкция қилиниб, замонавий мебель, мусика асбоблари, зарур усқуналар билан таъминланади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусика ва санъат мактабларининг мавжуд укув режалари қайта ишланиб, такомиллаштирилди. Мусика ва санъат мактаблари учун укув қуланмалари, нота ва бошқа укув- услубий материаллар чоп этиш режаси тасдиқланди. Унга қура ,2009-2014 йиллар мобайнида 60 номда 99 минг 688 нусха янги укув қуланмалари, 32 номда 59 минг 510 нусха ноталар туплами, 41 номда қарийиб юз минг нусха узбек ва чет эл бастакорлари асарларини нашр этиш мулжалланди. Бундан ташқари узбек халқ чолгу асбоблари, мусика назарияси сингари 7 йуналиш буйича қурғазмали плакатлар, 13 йуналишда миллий ва жаҳон мусика санъати укув қуланмалари жамланадиган «СД» дисклар тайёрлаш қузга тутилди. Қурилаётган чор-тадбирлар натижасида эндиликда мавжуд ихтисослашган мусика ва санъат мактабларида хайқалтарошлиқ, зардузлик, тасвирий санъат, яғоч ва ганч уймақорлиги қаб 17 йуналиш буйича таълим – тарбия бериш йулга қуйилди. Шу уринда юртимиздаги чолгу асбоблари ишлаб чиқарувчи қорхоналар ва узбек халқ усталари билан ҳамқорликни ривожлантириш, мусика асбобларини таъмирлаш устахоналарини очишга алоҳида эътибор берилаётганини таъқидлаш жоиз. Жойларда 40дан ортиқ ана шундай устахона иш бошлади. Утган йилнинг октябрь ойида пойтахтимиздаги маданият ва санъат қурғазмасида мусика асбоблари , усқуналар ва укув қуроллари қурғазмаси



утказилди.Тадбирда 40 дан ортик уста томонидан тайёрланган 110 хилга якин чолгу асбоби,тасвирий санъат ускуналари хамда укув мебеллари намойиш этилди.Бундай кургазма ва тадбирларининг уюштирилаётгани болалар мусика ва санъат мактабларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли укув куроллари билан таъминлашда мухим ахамият касб этади.

Мусика ва санъат ривожига,усиб келаётган ёш авлод камолотига берилаётган бундай катта эътибор ва курсатилаётган гамхурлик самараси уларок,ёшларимиз турли халқаро танловларда юкори уринларни эгаллаб,миллий мусика ва санъатимизнинг бетакрор жозибасини дунёга танитмоқда.2008 йили 37 нафар ёш истеъдод сохиби Германия,Франция,Япония,Италия,Греция,Швецария,Португалия,Россия, Украина,Литва сингари мамлакатларда утказилган халқаро танлов ва фестивалларда совринли уринларни эгалагани бунга мисолдир.

Бу ютукларни барчаси мамлакатимизда мусика ва санъатни ривожлантириш истеъдодли угил-кизларни хар томонлама куллаб-куватлаш,рағбатлантириш,ижрочилик санъатини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг куламли ислохотлар бераётган самаралардандир.

Кашқадарё вилоятида 18 та болалар мусика ва санъат мактабидан 9 тасида янги бино курилиши, 9 тасининг капитал реконструкция килиниши режалаштирилган ва давлат дастурига киритилган.Бу даргохларда 404 нафар устоз-мураббий 2270 нафар укувчи ёшга мусика васанъат йуналишлари буйича сабоқ бериб келинмоқда.2009 йилда Китоб туман 10-болалар мусика ва санъат мактаби кайта таъмирланиб,фойдаланишга топширилди.Мазкур мактабда 391 миллион сумлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва 434 миллион сумлик жихоз хамда мусика асбоблари харид килинди.2010 йилда Яккабоғ туманидаги 18-сон, Карши туманидаги 7-сон болалар мусика ва санъат мактаблари капитал таъмирланди ва Карши шаҳридаги 1-сон болалар мусика ва санъат мактаби янги 1-тип лойиха асосида курилиб , фойдаланишга топширилди.Лойиха киймати 1миллиард 651миллион сумга тенг,200 уринли мулжалланган бу бино 1-тип лойиха асосида барпо этилди.Мусика ва санъат мактаби янги бинога эга булгач барча турдаги мусика асбобларини чалиш имконияти яратилди.Фортепиано,халк чолгу асбоблари, анъанавий хонандалик ва созандалик ,торли чолгу, урма зарбли ва пуфлаб чалинадиган асбоблар.ракс,тасвирий,амалий,театр санъати йуналиши,рус



халк чолгу асбобларини чалиш сир-асрорлари болаларга кунт билан ургатилмокда. Бу ерда 300 нафар бола мусика ва санъат соҳасини урганмокда. 88-нафар уқитувчилар болалар онгу тафаккурига мусиканинг жозибали руҳини сингдиришга ҳаракат қилишмокда. 2011 йилда 4та мактаб: Муборак туманидаги 11-сон, Косон туманидаги 8-сон, болалар мусика ва санъат мактаблари бинолари қурилди, Нишон туманидаги 12-сон ва Шаҳрисабз туманидаги 17-сон мактаблари бинолари реконструкция қилиниб, янги уқув йилида фойдаланишга топширилди.

Дехқонобод туманида яқинда фойдаланишга топширилган 5-сонли мусика ва санъат мактаби ҳам ана шундай қуркам иморатлардан биридир. У бугун туман маркази -Корашина қургонига том маънода қурқ бериб турибди. Мусика ва санъат мактабимизни бунёд этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилган булиб, қурилиш ишларига 2 миллиард 400 миллион сумдан ортик маблағ сарфланди. Шу уринда 2-типдаги 150 уринли замонавий мусика ва санъат мактабининг қурилишида “Қарши хужалик ҳисобидаги таъмирлаш қорхонаси” МЧЖ бунёдқорлари фидоийлик қурсатганларини алоҳида эътироф этиш лозим. Мактабнинг уқув хоналари, чолгу, рақс сирларини урганиш учун алоҳида -алоҳида, 250 уринли концерт зали ва бошқа қуплаб қулайликларни қурган кишини қузини қувнатади.

2015 йилнинг 20 ноябридага Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусика ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш буйича 2016-2020 йилларга мулжалланган Давлат дастури тугрисида”ги қарори эса мусика ва санъат соҳаси истеъдод соҳибларини қуплаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқди. Унга қура, кейинги беш йил давомида вилоятимизда 13 та болалар мусика ва санъат мактабларини янгидан барпо ва муқаммал реконструкция қилиш режалаштирилган. Қарорда болалар мусика ва санъат мактабларини намунавий лойиҳалар буйича янгидан қуриш ва муқаммал реконструкция қилиш орқали уларнинг тармоғини янада ривожлантириш қузда тугилган. Ушбу муассасаларни умумтаълим мактабларини жойлашувини ҳисобга олган ҳолда аҳоли зич яшайдиган, шу жумладан қишлоқ жойларида қулай жойлаштириш ва бунинг асосида мусика ва санъатнинг бошқа турлари билан шугулланишни истаётган болаларни янада тулик қамраб олишни таъминлаш белгилаб берилган. Қарорга мувофиқ,



вилоятимизда туртта болалар мусика ва санъат мактаби бунёд этилди, туккизтаси эса мукаммал реконструкция килиниб ,тегишли талабларга мослаштирилди.2016 йил битта болалар мусика ва санъат мактаби янгидан барпо этилса,биттаси мукаммал реконструкция килинди.Шу тарзда тегишли даврда карорда белгиланган курилиш ишлари бажарилди.Янгидан барпо этиладиган туртта болалар ва усмирлар спорт мактаби Гузор, Яккабог, Китоб ва Шахрисабз туманларида кад ростлади.

Шахрисабз туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактаби 2014 йилда фойдаланишга топширилган мактабда бугунги кунда 120 нафар угил-кизлар 12 та йуналиш буйича тахсил оляпти. Кувонарлиси,мактаб укувчилари орасида Республика хамда халкаро курик-танловлар голиб ва совриндорларни купчилигини ташкил килади.Утган йили Тошкентда утказилган “ Она юрт оханглари ” Халкаро курик-танловда мактабимизда тахсил олаётган Улугбек Йулдошев най йуналишида голибликни кулга киритган булса, жорий йилда Францияда булиб утган яна бир нуфузли халкаро танловида Шохрух Ботиров тасвирий санъат йуналишида грант сохиби булди.“Камалак юлдузлари” курик-танлови Республика боскичида иштирок этган Анваржон Киёмов торли чолгулар йуналишида биринчи уринни эгаллади.Албатта, бу ютуклар мураббийларимизнинг мехнати,юртимизда ёшларга яратилган шароитлар самарасидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. А.Даврон.Мусика ва санъат мактабларига эътибор кучайтирилади.Кашкадарё.2008 йил 29 январь
2. Холмурод.Салимов.Миллий мусика ва санъатимиз ривожу йулида.Кашкадарё.2009 йил 30 январ.
3. Кадимий шахарнинг улугвор олимлари.Кашакдарё .2011 йил 9-август.
4. Б.Жонимов.Корашинадаги санъат кошонаси.Кашкадарё 2013 йил 29 октябрь
5. Азизбек Норов. Вилоятимизда яна 13та санъат кошонаси барпо этилади.Кашкадарё.2016 йил 5 январь
6. Истеъдодлилар машгулотларда тобланади.Кашкадарё 2016 йил 15 ноябрь.

